

Тоғай МУРОД

## ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

*1-жилд*

*Қиссалар*

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент - 2008.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофоти совриндори Тоғай Муроднинг ҳикоялар, қиссалар ва романлар, сара мақолалар, кундалик дафтардан битиклар ҳамда таржималар ўрин олган тўрт жилдлик «Танланган асарлар»и адабиёт мухлисларига тақдим қилинмоқда. Мазкур нашр ёзувчининг ўзи ҳаётлигида тартиб берган тарзда чоп этилмоқда.

Тоғай Мурод қиссалари аллақачон ўзбек хонадонининг сеvimли китоблари жавонидан ўз ўрнини топган. «Танланган асарлар»нинг биринчи жилдига ёзувчининг халқимиз орасида доврқ қозониб, китобхонлар кўнгил мулкига айланган тўрт қиссаси жамланди.

*Сўз боши ўрнида*

### ТОҒАЙ МУРОДНИНГ ҚЎШИҚЛАРИ

Кечагина ёш ёзувчи, бошловчи ёзувчи, деб юрган қаламкашларимиз эндиликда насримизнинг етакчи ижодкорлари бўлиб қолдилар.

Тоғай Мурод ана шу ижодкор авлоднинг талантли вакилидир.

Тоғай Мурод адабиётга тутаб эмас, ёниб кирди.

Тоғай Мурод қиссалари соф миллий ўзбек қиссалари. Тоғай Мурод қиссаларида тасвирланган одамларга бошқа халқ либосини кийдирсангиз ҳам ўзбекилиги билиниб туради. Уларнинг хулқ-атвори ҳам бошқа халққа асло ўхшамайди.

Шу вақтгача қиёфаси ноаниқ, бир-биридан фарқ қилмайдиган, шапка кийдирсанг рус, қорақўл папах кийдирсанг озарбайжон, телпак кийдирсанг қозоқ, ёқасига кашта тикилган кўйлак кийдирсанг украин бўлиб кетаверадиган тахминий одамлар қиссаларимизнинг асосий қахрамонлари бўлиб келди. Бу ўз халқининг миллий урф-одатларини, ҳис-туйғуларини билмасликдан бўлди, сўқиркўнгиллик, сўқиркўзликдан бўлди.

Биз Абдулла Қодирийни салкам етмиш йилдирки, бошимизга кўтариб келамиз. Бунга сабаб, Қодирий миллий қахрамонлар яратди. Отабек ҳам, Юсуфбек ҳожи ҳам, Офтоб ойим ҳам, Солих махдум ҳам асло такрорланмас образлардир. Бу кишилар тўғрисида Қодирий таъкидламаса ҳам ўзбекилигини биламиз.

Тургенев, Гоголь, Толстой рус халқини бутун бор бўйи билан тасвирлаган буюк ижодкорлардир. Нехлюдовга дўппи кийдирсанг, Каренинага паранжи ёпинтирсанг, ўзбек бўлиб қолмайди. Толстой уларни қон-қони билан, ўй-хаёллари билан, гап-сўзлари билан рус қилиб яратди.

Бундай асарлар яратиш учун адиб рассомдек ранглари бир-биридан фарқ қиладиган,